Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 38 (8528). ● 22 февраль, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

## БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

◆ Ангрен шаҳри меҳнаткашлари ўтган йилги план ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. СССР 60 йиллиги номли «Резинотехника» заводи, Ангрен керамика комбинати коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни оширишга муносиб ҳисса қўшдилар. Шахтёрлар ва қурувчилар яхши меҳнат қилишди.

1984 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, иқтисодий ва социал ривожланиш планлари муваффақиятли бажарилганлиги учун Ангрен шаҳри КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Шаҳар партия-хўжалик активининг 21 февралда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Х. Қодиров Ангрен меҳнаткашларига мукофотни топширди.

◆ Мамлакат халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшганлиги, 1984 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган эди.

Институт профессор-ўқитувчилар состави ва студентларининг 21 февралда ўтказилган умумий йиғилишида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова олий ўқув юрти коллективига юксак мукофотни топширди.

◆ Нариманов шаҳри «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг коллективи ерларни мелиорациялашни ривожлантириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқда. 1984 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак кўрсаткичларга эришганлиги, иқтисодий ва социал ривожланиш планини бажарганлиги учун бошқарма КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган эди.

«Ташоблмелиоводстрой»нинг 21 февралда ўтказилган партия-хўжалик активи йиғилишида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари О. Б. Канатов қурувчиларга байроқни топширди.

(ЎзТАГ).

## НАКАЗЛАР — ХАЛҚ МАНФААТИ ИФОДАСИ

24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ

НИЗОМИЙ номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида жойлашган 16-сайлов участкасида сайловолди ишлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Фрунзе район партия комитети билан институт партия ташкилоти ҳамкорликда аҳоли ўртасидаги оммавий-сиёсий ишларнинг мазмунига, таъсирчанлигига жиддий эътибор бермоқда. Маҳалла комитетлари хоналарида, клубларда ёш сайловчилар ҳамда бу йил биринчи марта овоз берувчилар билан турли мавзуларда савол-жавоб кечалари, меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар, лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Айниқса, партия ва давлат арбоби, буюк саркарда М. В. Фрунзе туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, институтнинг собиқ студенти Абдулла Қурбонов билан ўтказилган учрашув сайловчиларда катта таассурот қолдирди. Учрашув сўнгида институт бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари концерт қўйиб бердилар.

Яқинда 42-Таштекстильмаш сайлов округи сайловчиларининг Фрунзе район Совети депутатлигига номзодлар — институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Ғани Абдураҳмонов, физика ҳамда табиат-география факультетларининг учинчи курс студентлари Марина Яковлева ва Дилфуза Жамоловалар билан учрашуви бўлиб ўтди. Институт студентлари касаба союз ташкилотининг раиси Самад Тўраев, жисмоний тарбия кафедраси мудири Нина Малинина, кечки тарих-филология факультети декани Тўхта Қурбоновлар сайловчилар номидан сўзга чиқишиб, янги ётоқхона қуриш, пландаги спорт комплекси қурилишини тезлаштириш, кечки бўлимларда дарснинг тугаш вақтини ҳисобга олиб, студентлар учун транспорт воситаларининг қатъий график асосидаги қатновини йўлга қўйишга ёрдам кўрсатиш юзасидан наказлар бердилар.

Қ. ЭРГАШЕВ.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

### МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КЕЙИНГИ кунларда обҳавонинг юришиб кетиши деҳқонлар учун қулай келмоқда. Мўл ҳосил олишни кўзлаган бригадалар коллективлари, хўжаликлар айни кунларда қишки дала ишларини тобора авж олдириб, баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу мақсадда Калинин районидаги «Хасково» совхозида ҳам тажрибали механизатор ва слесарлардан иборат ремонтчилар бригадаси ташкил этилди. Қисқа муддатга мўлжалланган ремонт ишлари графиги тузиб чиқилиб, ремонтчилар учун зарур техникалар, шарт-шароитлар яратиб берилди.

Натижа ёмон бўлмади. Барча тадбирларнинг уюшқоқлик билан олиб борилиши туфайли хўжаликда техника ремонти муддатидан илгари якунланди. Тўлқин Муқодиров, Давлат Зикриллаев, Абдурашид Усмонов, Қобил Комилов каби созловчилар, Фахриддин Тўлаганов, Қодир Маҳамедов, Қўчқор Ашуров сингари турли касб эгаларининг ғайрат-шижоати билан 76 та ғилдиракли, 18 та ҳайдов тракторi, 24 та плуг, 32 комплект сихмола, 15 та культиватор, 10 та сеялка ва бошқа механизмлар сифатли ремонтдан чиқарилди.

Ҳозирги кунларда эса ремонтчилар бригадасининг бир группа аъзолари ем-хашак тайёрлаш механизмларини ремонт қилишда, бир группаси эса кўчма устахоналарда маҳаллий ўғит ташиш ва шудгор қилишда иштирок этаётган механизаторларга техника хизмати кўрсатиш билан машғул бўлмоқдалар.

М. ДАМИНОВ.

### Уруғлик картошка омбори ишга тушди

**Тошкентда уруғлик картошка омбори ишга тушди. Бу ерда уруғлик омбори билан саралаш цехи битта бинода жойлашди.**

**Янги омбор температура ва намликни ростлаб турувчи махсус установкалар билан таъминланган. У 2 минг тонна уруғлик картошка сақлашга мўлжалланган. Республика «Сортосемовощ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослашган хўжаликлари уруғликни бу ерга етказиб беради.**

(ЎзТАГ мухбири).

### Қолоқ бригадага ўтиб...

РОҲИЛА Турсунқуловани Оққўрғон районидаги «Озод» колхози меҳнаткашлари ёш, тадбиркор деҳқон сифатида ҳурмат қилишади. Дарҳақиқат, у бир неча йилдан буён илғор бригадага бошчилик қилиб келмоқда. Бригада коллективи унинг раҳбарлигида ҳар йили пахта ҳосилдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот етиштиришда намуна бўлиб келишяпти. Жумладан, ўтган юбилей йили ҳар гектар майдондан 34,3 центнердан ҳосил олинди. Бу колхозда энг юқори кўрсаткичдир.

Муваффақиятлар деҳқонни ҳамиша эртани ўйлашга, эртага бугунгидан салмоқли ютуқларни қўлга киритишга ундайди. Ишчан коммунист, тадбиркор раҳбар Роҳила Турсунқулова бу йил яна бир ажойиб ташаббус билан чиқди. У колхоз правлениеси ва партия комитетига қирда жойлашган қолоқ бригадалардан бирига ўтиб ишлаш истаги борлигини билдирди. Унинг ташаббуси қўллаб-қувватланди, қолоқ бригадалардан бири ажратиб берилди.

— Бу йил деҳқонларимиз қўш тантанани — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда районимиз ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейини нишонлайдилар,— дейди Роҳила Турсунқулова. — Шу боисдан ҳам янги ҳосилга пухта замин ҳозирлаш ишларини анча эрта бошлаб юбордик. Майдонларимизни кеч куздаёқ сифатли шудгорлаб қўйдик. Айни кунларда бригадамизга бириктилган барча қишлоқ хўжалик техникалари ҳам старт чизиғида турипти. Далага маҳаллий ўғит чиқариш ишларини кун сайин қизитаяпмиз. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда суғориш шохобчаларини тартибга келтириш ишлари эрта-индин тугалланиш арафасида.

Бригада меҳнат аҳли бу йил қолоқликка барҳам бериб, илғорлар сафига чиқиб олмоқчи. Улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИГА

### ШИЖОАТ МАЙДОНИ «АТОММАШ»

**Куни кеча Тошкентдан Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши — «Атоммаш»га эллик нафарга яқин кўнгилли комсомол-ёшлар жўнаб кетди.**

«Атоммаш» келажакда Волгодонскнинг, қолаверса, бутун мамлакатимизнинг фахри, энг арзон электр энергия ишлаб чиқарувчи манба бўлиб қолади. Завод қурилиши «Волгодонскэнергострой» тресги коллективига юклатилган. Катта қурилиш майдонида ҳозир 30 минг киши меҳнат қилмоқда. Областимизнинг эллик нафарга яқин йигит-қизлари ҳам комсомол йўлланмаси билан ана шу катта коллективга бориб қўшилишади.

Жўнаб кетаётганлар орасида турли миллат вакиллари, турли касб эгалари бор. Уларнинг бири «Узбекшахтострой» тресги пардозловчиси Лариса Герасимовадир.

— Мен тўртинчи разрядли қурувчиман, — дейди у. — Зарбдор қурилишларга комсомоллар сафарбар этилаётганлиги ҳақидаги хабарни радиодан эшитиб қолдим. Сўраб-суриштирсам менинг касбим бўйича ҳам мутахассислар керак экан. Ангрен шаҳар комсомол комитетига бориб учрашдим. Мақсадимни айтдим. Мана, комсомол йўлланмаси билан «Атоммаш»га жўнаб кетмоқдаман.

Коммунистик районидаги «Правда» колхози слесари Муҳаммаджон Қаюмов, оҳангаронлик тикувчи Марҳамат Эрова, Ғалаба районидан ошпаз Муҳиддин Хўжамқулов, тошкентлик дурадгор Шокир Усмонов каби қалби олов йигит-қизлар ҳам зарбдор қурилишга йўл олдилар.

— Мени ҳеч ким қурилишга борасан, деб мажбур этгани йўқ. — дейди М. Қаюмов. — Бир кун район марказига осиб қўйилган эълонни ўқиб қолдим. Унда «Атоммаш» қурилишида ишлаш истагини билдирганлар рўйхатга олинаётганлиги маълум қилинган эди. Қалб амри билан мен ҳам ёзилдим.

Ўтган йили жами 650 га яқин йигит-қиз 13 та Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларига йўл олди. Жасорат майдони яна янги-янги отрядларни ўзига чорламоқда.

А. ҒУЛОМОВ.

## ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

ТОШКЕНТ райони партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари колхоз ва совхозлар иқтисодий ва социал-маданий қурилишни бошқариш услубини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида қайта қуриб, ишда бурилиш ясашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада, айниқса, халқ депутатлари Келес шаҳар Совети ижроия комитети амалга ошираётган тадбирлар яхши самара бераяпти.

Шаҳар Совети территориясидаги меҳнат коллективларида область Советининг 4 нафар, район Советининг 18 нафар ва шаҳар Советининг 75 нафар депутати шахсий намуна кўрсатиб ишлаш билан бирга пленум материалларини оммага етказишда актив қатнашмоқда.

Т. Қўчқоров, А. Шомаҳмудова, А. Далиева, З. Юсупова, Г. Гайнуддинов каби депутатларнинг шахсий ташаббуси билан пленум материаллари корхона ва муассасаларда кенг ва чуқур ўрганилиб, илгари йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, депутатлар ва маҳаллий активларнинг ҳаракати билан жойларда меҳнат интизоми ҳам мустаҳкамланмоқда.

Жумладан, Абдураҳмонов номли совхозда, 7-ғишт заводида ва жунни қайта ишлаш фабрикасида пленумдан сўнг ўтган давр ичида кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, фойдаланилмай ётган ички резервларни ишга солиш соҳаларида анчагина ўзгаришлар юз берди. Бунинг самараси эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсишида ўз аксини топмоқда.

7-ғишт заводида ўтган йили пландаги 44 миллион ўрнига 50 миллион донага яқин ғишт ишлаб чиқарилди. Социалистик мажбурият муддатидан бир ҳафта илгари бажарилди.

Жунни қайта ишлаш фабрикасида пленумдан сўнг кадрлар қўнимсизлиги камайди, расмиятчилик, хўжасизлик ва бажарилган ишларни ошириб ёзиш, ноқонуний йўл билан шахсий бойлик орттириш каби ҳолларга барҳам берилди.

— Ҳозирги кунда асосий эътибор Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган бўлсада, беш йилликнинг якунловчи йилини яна юксак меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаш вазифасининг муҳимлигини ҳам унутганимиз йўқ,— дейди халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ў. Маҳмудов, — Биз 1985 йилнинг янги марраларини белгилашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига асосландик. Шаҳар Совети ижроия комитети барча коммунист ва депутатларнинг куч-ғайратларини ҳамма ерда давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга сафарбар этмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.

### ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН

ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида мусобақа илғорлари ҳақида гап кетганда 5-қуйиш цехи биринчилар қатори тилга олинади. Цех коллективи 1984 йил якунларига кўра меҳнат беллашувининг ғолиби деб топилган эди.

Машинасозлар январь ойи планини ҳам асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажардилар. Айни кунларда заводда авж олган иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатида цех ишчилари бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Чирчиқ шаҳрида йил давомида икки кун тежалган хомашё ва ресурслар ҳисобига меҳнат қилиш ташаббуси бошланиши биланоқ 5-цех коллективи бир овоздан бу ҳаракатга қўшилишга қарор қилди.

М. МИРАЛИМОВ.

## ТЕХНИКА ТАЙЁРЛАНМОҚДА





● ОҚҚЎРҒОН районидаги Охунбобоев номли колхозда мавжуд техникани кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш қизғин. Суратда: (чапда) колхознинг илғор механизатори, звено бошлиғи Н. Абдураҳмонов. Шу кунларда у ремонтдан чиқарилган машина-механизмларни яна бир бор текшириб кўрмоқда: (ўнгда) тайёр қилиб қўйилган техникалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

### ЧИНОЗ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Чиноз район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов Бўка район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этди.

Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари қилиб шу район партия комитетининг иккинчи секретари вазифасида ишлаб келган В. Г. Гришчук сайланди.

Пленум шу район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири бўлиб ишлаб келган Э. К. Собированi район партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайлади.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

### БЎСТОНЛИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бўстонлиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Н. М. Мадаминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод этди.

Пленум Оржоникидзе район партия комитетининг ташкилий бўлими мудири вазифасида ишлаб келган Ж. Ж. Турдалиевни Бўстонлиқ район партия комитети составига киритди ҳамда уни район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайлади.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев иштирок этди.




● Тошкент тракторсозлари маданият саройида жойлашган 54-сайлов участкаси Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш учун тўла шай қилиб қўйилди. Аҳолини тез ва тўғри рўйхатга олишда агитаторлар жонбозлик кўрсатишди. Суратда: агитпунктнинг илғор агитаторларидан З. Абдураманова, С. Климахина ва В. Кромаренколар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

## СУТ НЕГА КАМАЙИБ КЕТДИ?

БЎСТОНЛИҚ районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари 1984 йилни яхши якунлашди. Жумладан, сут топшириш йиллик плани 101 процентга бажарилди. Ҳар бош соғин сигирдан пландаги 2676 килограмм ўрнига 2914 килограммдан сут соғиб олинди. Сигирлардан 230 ўрнига 231 бош бузоқ олинди. Бу 1983 йилга нисбатан 11 та кўпдир. 1 центнер сут етиштириш учун пландаги 34 сўм 82 тийин ўрнига 32 сўм 24 тийин сарфланди.

Хўш, колхоз чорвадорлари 1985 йилда қандай меҳнат қилишяпти? Қишлов қониқарли ўтяптими? Афсуски, натижалар бу соҳада хўжаликда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатаётир. Айни кунларда фермада 255 бош соғин сигир парвариш қилиниб, шундан бор-йўғи 165 таси соғилмоқда, холос. Улардан кунига 1000—1200 килограмм сут соғиб олинмоқда. Очиғини айтиш керак, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча камдир. Бошқача қилиб айтганда 1985 йилнинг ўтган икки ойида 1984 йилнинг шу давридагига нисбатан 3 тонна кам сут соғиб олинди. Сигирлар маҳсулдорлиги 160—180 килограммга камайиб кетди. Хўш, нега шундай бўляпти?

Келинг, яхшиси гапни сутчиликдан бошлайлик. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аввало арзимаган сабабларга кўра 80 бош сигир соғилмаяпти. Агар бу сигирларнинг ҳеч бўлмаса яна 30—40 боши соғилганда кунига 180—200 килограмм кўп сут етиштирилган бўлур эди.

Иккинчидан, хўжаликда қишлов учун озуқа етиштиришга эътибор берилмади. Фақатгина сенаж ва сомон тайёрлаш планларигина бажарилди. 1125 тонна ўрнига 10 тонна табиий пичан, 430 тонна ўрнига 70 тонна лавлаги, 2352 тонна ўрнига 2150 тонна силос тайёрланганини қандай изоҳлаш мумкин. Бундай бўлишининг асосий сабаби озуқа экинлари ҳосилдорлигининг паст бўлиши, оралиқ экинлари ва такрорий озуқа экинлари экишга эътибор берилмаганлигидир.

Бу аҳвол хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларини жиддий ташвишга солиши, қишловни муваффақиятли ўтказиш учун қўшимча тадбирлар кўришга шошилтириши лозим эди. Аммо бундай бўлмади. Чорва озуқаси кам тайёрлангани устига, 1983 йилда катта маблағлар эвазига қурилиб, ишга туширилган озуқа цехи ҳам қиш даврида арзимаган баҳоналар билан ишлатилмаяпти.

— Айни кунларда хўжалигимизда 771 бош қорамол ва 3270 бош қўй бор, — дейди бош зоотехник Ҳамидулла Эргашев.— Қишловдан молларни соғлом олиб чиқиш учун тадбирлар белгилаяпмиз. Озуқалардан самарали фойдаланиш бўйича янги рационлар тузилмоқда. Чорвадорларимизга барча қулайликлар бор.

Ҳа, бош зоотехник бамайлихотир, ҳамма ишимиз жойида, деди. Афтидан у ҳалигача қорамоллар сақланаётган баъзи корпусларнинг ремонт қилинмаганлигини, молларнинг охурлари, улар ётадиган жойлардаги полларнинг синиб сочилиб ётганлигини, яйратиладиган жойларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслигини камчилик ҳисобламаса керак-да! Наҳотки?!

Колхозда мавжуд озуқалардан рационал фойдаланилаётган эмиш. Йўқ, ўртоқ зоотехник, ем-хашак кам жамғарилгани устига уларнинг самарадорлигини оширишга аҳамият берилмаяпти! Озуқа цехининг бекор турганлиги туфайли дағал хашаклар қайта ишланмасдан молларга едирилмоқда, нишхўртга чиқиб кетяпти. Бу ҳам майли-я, сигирлар маҳсулдорлигини камайиб кетаётганлигини айтмайсизми?

Чорвадорларга барча шароитлар яратиб берилган, деган гапингизга ҳам ишониш қийин. Улар учун дам олиш хоналари яхши жиҳозланмаган. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилмаган. Мусобақанинг таъсирчанлиги, оммавийлиги сезилмаяпти. Илғор молбоқар ва соғувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга эътибор берилмаяпти. Соғувчиларнинг кундалик эришган натижаларини ёзиб борадиган кўрсаткич тахтаси мавжуд бўлишига қарамай, улар қайд қилиб борилмаяпти. Шон-шуҳрат байроғи кўтарилмаганига ҳам анча бўлди.

Бизнингча, бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш керак. Ютуқларга маҳлиё бўлманг, сўздан амалий ишга ўтиш пайти келди. Зеро, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида белгиланган тадбирларни бажариш устидан қатъий назоратни йўлга қўйиш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ана шундагина сизнинг хўжалигингизда ҳам сигирлардан илғорлар қатори мўл ва серқаймоқ сут соғиб олинади. Моллар жадал семиради.

А. ИБРОҲИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

